

## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ СОЛИҚ ЮКИ КЎРСАТКИЧИГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

**Исаев Фахриддин Икромович,**  
**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**  
**таянч докторанти**  
*E-mail: faxriddin87@mail.ru*

**Аннотация:** Мазкур мақолада солиқ имтиёзларининг моҳияти ўрганилиб, макродаражада таҳлил қилинган. Шунингдек, солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичларига таъсири илмий жиҳатдан ўрганилиб, тегишли хулоса берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ имтиёзлари, солиқ юки, солиққа тортиш, инвестиция, солиқ ставкаси.

### **Кириш**

Бозор механизмини ривожлантиришда энг самарали воситалардан бири хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари тизими бўлиб, бунинг учун солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, унга таъсир этадиган салбий ички ва ташқи омилларни минималлаштириш зарур.

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан асосий мақсад тизимни рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган янги технологиялар билан таъминлаш. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб боради. Бунда эса солиқ имтиёзларининг иқтисодий аҳамияти каттадир.

Айни пайтда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллардан бири, бу - бизнесда бир оз бўлсада солиқ юкининг юқори даражаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароити ҳамда юқори хавф-хатарлар мавжуд шароитда инвестиция ва инновацион ривожланишнинг энг кучли воситаларидан бири бу хавфларни қоплаш учун етарли солиқ имтиёзлари тизимини яратишдир.

Одатда, инвестиция жозибадорлигини оширишда солиқ имтиёзлари фаол иштирок этадиган воситадир, уни жорий қилишнинг ҳам ўз аҳамияти бор. Ҳозирда мамлакатимизда амалда берилаётган солиқ имтиёзларининг аксарият қисми эркин иқтисодий зоналар, кичик иқтисодий зоналар ҳамда йирик солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳам бунга яққол исбот бўла олади.

Дарҳақиқат, солиқ имтиёзи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришда, янги технологияларни жорий этишда, даромадларни инвестициялашни рағбатлантиришда самарали восита бўлиб, бундай ҳаракат келгусида бюджетда солиқ базаси ва даромад солиғи тушумларининг ошишига олиб келади.

Шу ўринда В.Горобинскаянинг куйидаги фикрини келтириш мумкин: "Инвестицияларнинг аксарияти корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Шунинг учун инвестицион фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан корхоналарнинг ўзлари ҳисобидан кенгайтириш зарур. Ҳозирги вақтда бу имкониятлар фақат солиқ ислоҳотларини амалга ошириш нуктаи назаридан кўриб чиқилади" [8].

Бу эса солиқ имтиёзлари механизмини такомиллаштириш орқали амалга ошишини инобатга олиш зарур. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлар, ишлаб чиқаришни устувор тармоқларини ривожлантиришда, самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишда давлатнинг воситаси ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг айрим ривожланиш давларида кичик бизнес субъектлари учун солиқ имтиёзларини бериш иқтисодиётнинг ушбу соҳасини молиявий жиҳатдан тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида фаол қўлланилмоқда.

Е.В.Хлыстованинг фикрича, "кўплаб солиқ ва йиғимлар кўпинча корхонага тушган фойданинг фақат 5-10 фоизини қолдиради" [9].

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

“Солиқ имтиёзлари” тушунчасига берилган таърифларга батафсил тўхталиб ўтамиз. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасида солиқ имтиёзлари: “Ушбу Кодекда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади”.

Шу ўринда эслатиб ўтишимиз лозимки, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин [1].

И.М.Александровнинг фикрича: “Солиқ имтиёзи-бу солиққа тортиш миқдорини камайтириш ёки солиқнинг субъектига бошқа солиқ тўловчига нисбатан афзаллик тақдим этишдир” [2].

В.Н.Незамайкин ва И.Л.Юрзинова “солиқ имтиёзи - бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга, солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши” деб эътироф этишган [7].

И.А.Майбуров ўзининг илмий ишларида солиқ имтиёзларининг шакллари ҳам кўрсатиб ўтган: “солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили” [6].

С.В.Барулин, О.С.Кириллова, Т.В.Муравлевалар “солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар солиқ тўловчилар ва тўловчиларнинг айрим тоифалари учун бошқа солиқ тўловчилар ёки тўловчиларга нисбатан солиқни тўламаслик ёки ундириш ёки уларни кичикроқ миқдорда тўлаш имконияти сифатида олинади” деган фикрда[3].

Е.Г.Ефимова ва Е.Б.Поспелова солиқ имтиёзларининг моҳиятини қуйидаги тарзда ифодалайди:

- Пул маблағлари-солиқ солишнинг муайян объектларини солиққа тортишдан чегириб ташлаш; солиқ солишнинг муайян субъектларини солиқ солишдан озод қилиш; солиқ солинадиган даромад даражасини жорий этиш (объект минимал қисми, солиққа тортилмаслиги);

- Солиқ имтиёзлари-солиқ базасини камайтиришга қаратилган имтиёзлар;

- солиқ ставкасини камайтириш: солиқни кечиктириш; инвестицион солиқ имтиёзлари[4].

Н.В.Милякова “солиқ имтиёзи-солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти” деб таъриф берган[5].

А.Ваҳобов ва А.Жўраевлар “Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг турлари, амал қилиш механизмлари, белгилаш мезонлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади деб талқин этишган[10].

Т.Маликовнинг фикрича: “Солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажми тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддати кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади” [11].

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларини моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

- солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

- солиқдан чегирмалар;

- солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар) [12].

Ф.Р.Ахматуллаева эса солиқ имтиёзига иқтисодий категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “имтиёзлар-бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир” [13].

О.Т.Юлдашев илмий ишларида анча такомиллашган таъриф берган: “Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада

самарали фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш мақсадида бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ўрнатилишининг қонунийлиги, индивидуал ва дискриминацион характерда бўлмаслиги, қўлланилишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ афзаллик (қулайлик)ларнинг яратиш тарзида берилиб, солиқ мажбуриятларини камайтирувчи енгилликларга солиқ имтиёзлари дейилади”[14].

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган моҳият ва иқтисодчиларнинг фикрлари асосида солиқ имтиёзига қуйидагича таъриф берилди: **Солиқ имтиёзлари** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш ёки солиқларни камроқ миқдорда тўлаш учун берилган имкониятлардир.

### Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолани тайёрлашда иқтисодчи олимларнинг изланишлари асос қилиниб, фикр ва тажрибалари асосида “солиқ имтиёзлар” тушунчаси илмий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил қилинди. Давлат Солиқ қўмитаси статистик манбалари асосида солиқ имтиёзлари таққослама йиллар кесимида таҳлил қилинди.

### Таҳлил ва натижалар

Юқорида биз иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва изланишлари асосида солиқ имтиёзлари тушунчасини очишга ҳаракат қилдик. Энди солиқ имтиёзларининг мазмунидан келиб чиқиб, унинг солиқ юкига таъсирини таҳлил қилсак.

Дарҳақиқат, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши солиқ юкининг камайишини таъминлайди. Одатда, тармоқ ва корхоналарга қўлланиладиган солиқ имтиёзларини жорий этишдан бош мақсад ҳам солиқ юкини оптималлаштириш ҳисобланади. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан солиқлар орқали тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизми узлуксиз равишда қўлланилиб келмоқда.

### 1-жадвал

#### 2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ турлари бўйича имтиёзларнинг таҳлили

минг сўмда.

№	Солиқ турлари	Йиллар			
		2013	2014	2015	2016
1.	Фойда солиғи	240047427,53	121713374,81	132931876,13	155 928 519,27
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0,00	0,00	0,00	0,00
3.	ҚҚС	1898026353,82	2313849268,73	2206895983,76	1874527982,30
4.	Акциз солиғи	0,00	0,00	0,00	0,00
5.	Ер қаъридан фойдаллик учун солиқ	0,00	0,00	0,00	0,00
6.	Сув ресурслардан фойдаллик учун солиқ	94 544,77	245 834,42	581 779,58	1 768 063,80
7.	Мол-мулк солиғи	143998610,32	203805867,51	274 872 459,81	525 725 897,70

8.	Ер солиғи	1 021 465,73	29436124,55	23 982 811,17	69 909 435,23
9.	Ягона ер солиғи	547 992,57	16567744,18	19 067 497,17	24 104 700,45
10.	Ягона солиқ тўлови	292232295,57	305679905,42	439 591 067,92	622 781 019,39
11.	Бошқа солиқлар	310030377,09	274345154,29	761 891 069,64	797 251 858,44
	<b>Жами сумма</b>	<b>2885999067.40</b>	<b>3265643273,91</b>	<b>3859814545,18</b>	<b>4071997 476,58</b>
	<b>Жами корхоналар сони</b>	<b>41 174</b>	<b>40 630</b>	<b>45 925</b>	<b>13 376</b>

**Жадвал Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.**

1-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2013-2016 йиллар оралиғида умумбелгиланган солиқларнинг деярли барчаси бўйича солиқ имтиёзлари қўлланилган, бундан мустасно солиқлар: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши натижасида корхоналар ихтиёрида 2013 йилда 2885999067.40 минг сўм, 2014 йилда 3265643273,91 минг сўм, 2015 йилда 3859814545,18 минг сўм, 2016 йилда 4071997476,58 минг сўм миқдорида маблағ қолганлигини кўришимиз мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, солиқ имтиёзлари қўлланилган хўжалик юритувчи субъектлар сони эса 2013 йил 41174 та, 2014 йил 40630та, 2015 йил 45925 та, 2016 йил 13376 тани ташкил этган. Яъни берилган имтиёзлар суммасига корхоналар сони таъсир этмаган.

Бугунги кунда солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилмоқда, яъни солиқ юкини камайишидан орттирадиган фойдасига корхонани модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда шу орқали маҳсулот рақобатдошлигини ошириш энг асосий мақсад сифатида белгиланган.

С.Жэмес ва К.Нобеснинг фикрича, катта солиқ имтиёзлари маҳаллий саноатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ[15].

Солиқ имтиёзларининг солиқ юкига таъсир кўрсатиши бевосита таъсир кучига эга ҳисобланади. Одатда иқтисодчилар томонидан ортиқча солиқ имтиёзларининг берилиши давлат даромадларидаги тушумнинг камайишига олиб келиниши кўп бора таъкидлансада, аммо солиқ имтиёзларининг жорий этмасдан, солиқ юкини муттасил равишда ошиб бориши солиқдан қочиш каби ҳолатларга олиб келади.

Замонавий бозор иқтисодиёти деганда албатта, ғарбий Европанинг ривожланган малакатлари-ю АҚШни ёдга олмасдан иложимиз йўқ. Чунки бугунги бозор иқтисодиётининг асоси шу мамлакатларга бориб тақалади. Келинг биз солиқ имтиёзларининг солиқ юкига таъсири жиҳатдан ёки унинг йўқ бўлиши қанақа оқибатларга олиб келишини иқтисодчиларнинг тадқиқотларига боғлаган ҳолда талқин қилсак.

Ҳ.Зее, Ж.Стоцкий ва Э.Лей (2002) муайян лойиҳа ёки инвестициялар учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган истиснолар ва имтиёзлар самараси жиҳатидан солиқ имтиёзларини самарадорлигини аниқладилар[16].



Фикрни тўлдириш учун айтишимиз лозимки, бозор иқтисодиётидаги муваффақиятсизликлар ё самарадорлик, инвестицияларни рағбатлантиришда, шунингдек, янги технологияни жорий этиш, модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялашда, бандликни ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқларнинг рағбатлантирувчи восита эканлигини унутмаслигимиз лозим. Мамлакатлар ушбу мақсадда доимий равишда солиқ имтиёзларидан фойдаланишади.

Агар солиқ имтиёзлари бўлмасдан, солиқ юкининг оғирлиги доимий равишда ошиб борса, солиқлардан қочиш ва хуфиёна иқтисод каби ҳолатлар вужудга келадики, оқибати иқтисодий таназулларга сабабчи бўлиши мумкин.

Адам Смит Институти (2011) томонидан олиб борилган тадқиқотлар давомида шу аниқландики, 1988 йилда Бирлашган Қироллик томонидан сармоя даромадларининг солиқ ставкасини 30 % дан 40 % гача кўтарилиши солиқ даромадларининг кўпайишига олиб келди. Сўнгги пайтларда, Буюк Британияда энг юқори даромад келтирувчи даромад солиғи ставкасини 40 % дан 50 % гача оширди ва натижада кам даромадли гуруҳларга солиқ имтиёзлари бериш, энг кам солиқ ставкалари даражасини ошириш орқали бузилишни кенгайтди [17].

Бу ҳолатларни оқибати хусусида таҳлилчи Анжела Бейч Буюк Британиянинг бозоридаги инвестицияларга салбий таъсир кўрсатишини кўпайишига ишора қилган [18].

Бундай ҳолат ўз-ўзидан маълумки, ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқаради, яъни солиқдан қочиш ва хуфиёна иқтисодиёт. Шу ўринда Ковелнинг солиқдан қочиш тўғрисидаги фикрини таъкидлашимиз лозим: солиқдан қочиш, натижада давлат солиқ сиёсатининг самарадорлиги ва барқарорлигини бузадиган ижтимоий-иқтисодий фаровонликни энг юқори даражага кўтариш учун бойликни қайта тақсимлашда ҳал қилувчи аҳамиятли муаммолардир [19].

Солиқлар борасида классик иқтисодиёт асосчиси А.Смит фикрини шу ўринда жоис топдик, яъни “яхши солиқ тизимини яратиш учун асосий тамойиллар: тенглик, ишонччилик, қулайлик ва самарадорликдир [20].

Солиқ тизимида А.Смит санаб ўтган ушбу асосларнинг етишмаслиги солиқ тўловчиларнинг иқтисодиётда ишонувчанлиги ва хоҳиш-истакларини бузилишига олиб келади.

Шу ўринда И.Ниязметов томонидан билдирилган фикрни таъкидлаш лозим: “Аслини олганда тадбиркорлик субъектлари учун энг яхши солиқ имтиёзи бу паст солиқ ставкалари, яъни енгил солиқ юкидир. Корхоналарнинг айрим тоифаларига берилган, иқтисодий асосланмаган ва самарасиз солиқ имтиёзлари рўйхати қанчалик қисқартирилса саноат корхоналарининг солиқ юкини камайтиришга шунчалик имкон яралади. Шу сабабли, индивидуал характерда Солиқ кодексидан ташқари берилган барча солиқ имтиёзларини бекор қилиб, уларнинг ўрнига халқаро амалиётда синалган инновацион солиқ кредитлари, солиқ таътилларини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ” [21].

### **Хулоса ва таклифлар**

Дарҳақиқат, солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсир этиш аҳамиятини иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Солиқ имтиёзларини қўллашда ишлаб чиқариш имкониятлари ва вақт оралиғи тўғри ҳисобга олинмаса, у бесамарликка олиб келиши мумкин;
- Солиқ имтиёзларини қўллаш натижалари, нафақат ташқи инвесторлар, балки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини кўпроқ фойда олиш мақсадида берилган имтиёзларни ўз ишлаб чиқаришига инвестиция киритишга рағбатлантирувчи аҳамиятга эгалиги;
- Тўғри ташкил этилган солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқаришни техник, технологик жиҳатдан янгилаш учун сарф этиши, маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб, бозорда рақобатбардош маҳсулотларни чиқариш имконини беради ҳамда экспортни қўллаб-қувватловчи восита ҳисобланади.

Юқоридагилар асосида шуни хулоса қилишимиз керакки, солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичларига таъсир этиши жиҳатдан аҳамияти каттадир. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ҳамда тармоқ иқтисодиётини ривожлантиришда, солиқ юки кўрсаткичларини енгиллаштириш жиҳатдан ҳам солиқ имтиёзларининг қўлланилиши фақат ижобий аҳамият касб этиш баробарида, давлат бюджетига солиқ тушумлари миқдорини оширишни таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: Адолат, 2017.
2. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°»,— 228 с.. 2009
3. Барулин С.В., Кириллова О.С., Муравлева Т.В. Налоги и налогообложение: учебник. –М.: Экономист, 2006. -117 с. 398 с.
4. Ефимова Е.Г., Поспелова Е.Б. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. - М.: МИИР, - 235с. 2014
5. Милякова Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИНФРА, 2008. С.33
6. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. 4-е изд. - М.:— 558 с.. 2011
7. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. Налогообложение юридических и физических лиц. –М.: Экзамен, 2004. С.44.
8. Горобинская В. Процесс налогового регулирования как процесс реализации экономических интересов / В сб. Государственное регулирование трансформационных экономик. Ростов-на-Дону.: Изд-во РГУ. 2003.
9. Хлыстова Е.В. Развитие малого предпринимательства в современной российской экономике / Сб. материалов VI Международ. науч.-практ. конфер. «Финансовые проблемы и пути их решения: теория и практика». СПб. Изд-во Политех. ун-та, 2005.
10. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. 2007 й. 24 б.

11. Маликов Т.С, Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Монография. –Т.: Академия, 2002. -204 б
12. Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015
13. Рахматуллаева Ф. “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли”. Молия илмий журнали №2.2016.
14. Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет
15. James, S. & Nobes, C. (2004), *The Economics of Taxation: Principles, Policy and Practice*. 7th ed. Financial Times/Prentice Hall, Harlow.
16. Zee, H.H., Stotsky, J.G. & Ley, E. (2002). *Tax Incentives for Business Investment: A Primer for Policy Makers in Developing Countries*. World Development. Vol. 30, issue 9, pp. 1497-1516.
17. Adam Smith Institute (2011). *Estimated revenue losses from Capital Gains Tax increases. Briefing Paper*. Available at: <http://www.adamsmith.org/sites/default/files/resources/CGT-II.pdf>
18. BBC (2010). *New 50% tax rate comes into force for top earners*. Available at: <http://news.bbc.co.uk/1/hi/business/8604215.stm> [Accessed: 11th December, 2011].
19. Cowell, F. (1985). *The economic analysis of tax evasion*. Bulletin of Economic Research. Vol. 37 (3). pp. 163-193.
20. Smith, A. (1776). *The Wealth of Nations*. Edited by Campbell, R., H. & Skinner, A., S. The Glasgow edition of the Works and Correspondence of Adam Smith. Vol. 2.
21. Ниязметов И.М. “Инвестицион-инновацион фаолликни оширишда солиқ механизмнинг роли ўзбекистон”. Иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент: Молия, 2017. 197 б.